



ON THE CURRENT STATE OF PROTECTION OF OLD TURKISH UNIONS IN THE CURRENT UZBEK LANGUAGE

Mardanova Dilshoda Sadriddinovna¹

¹ Alisher Navoi University of Uzbek Language and Literature 1st year Master of Linguistics (Uzbek)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5034425>

ARTICLE INFO

Received: 15th June 2021

Accepted: 20th June 2021

Online: 25th June 2021

KEY WORDS

"Devonu lug'atit-turk", Mahmud Kashgari, dictionary, words of time.

ABSTRACT

In the Old Turkic language there are many lexemes that directly refer to time and name time-related objects and events. The semantic "time" is the leader in the semantic structure of noun lexemes, which refer to time as a direct object. In the lexemes of time-related objects and events, the semaphore "time" is in a lower position, which determines the more general semaphores. In our study, time conceptual lexemes in the Old Turkic language were scientifically analyzed on the example of the work "Devonu lug'atit-turk". In the play, the units of time, the words day and night, the words of the months, the words of the seasons are mainly given under the headings during the artistic and scientific molding of the firni.

ЭСКИ ТУРКИЙ ТИЛДАГИ ВАҚТ СЕМАЛИ БИРЛИКЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА САҚЛАНИШ ҲОЛАТИГА ДОИР

Марданова Дилшода Садриддиновна¹

¹ Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети Лингвистика (ўзбек тили) 1-босқич магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-iyun 2021

Ma'qullandi: 20-iyun 2021

Chop etildi: 25-iyun 2021

KALIT SO'ZLAR

"Девону луғатит-турк", Маҳмуд Қошғарий, луғат, вақт сўзлари.

ANNOTATSIYA

Эски туркий тилимизда вақтни бевосита атовчи ва вақтга алоқадор предмет, воқеа-ҳодисаларни номловчи лексемалар талайгина. Вақтни бевосита предмет сифатида номловчи от лексемаларнинг семик таркибида "вақт" семаси етакчидир. Вақт билан алоқадор предмет, воқеа-ҳодисаларни номловчи от лексемаларда эса "вақт" семаси қуйроқ мавқеда жойлашиб, у ўздан умумийроқ семаларни аниқлаб келади. Бизнинг тадқиқотимизда эски туркий тилдаги вақт концептли лексемалар "Девону луғатит-турк" асари мисолида илмий таҳлил қилинган. Асарда вақт маноли бирликлар кун-тун сўзлари, ойларнинг сўзлари, фаслларга тегишли сўзлари асосан сарлавҳалар остида фирни бадий-илмий қолиплаш асносида келтирилган.



Макон ва замон белгилари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса ҳам, лекин маълум белгилари билан бир-биридан фарқ қилади. Макон нарсанинг бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган объектларнинг жойлашиши тартибини билдирса, замон бир-бири билан алмашинаётган нарса ва ҳодисаларнинг вақт нуқтаи назаридан кетма-кетлигини билдиради. Замон қайтарилмас, такрорланмаслик белгисига эга. Ҳар қандай моддий жараён бир йўналишда ўтмишдан келажакка қараб ривожланиб боради.¹ Туркийлар географик ва тарихий жиҳатдан бой маданий меросга эга. Бу тарихий ва замонавий матнларнинг лексик-семантик бойлигида ўз аксини топган. Ушбу тадқиқотда вақт-замон тушунчаси учун турклар тоmidан қўлланилган сўз бойлигини қиёсий планда текширишга ҳаракат қилинади. Шу нуқтайи назардан кун-тунга тегишли бўлган вақт сўзлари алоҳида сарлавҳалар остида муҳокама қилинади.

Биз қуйида эски туркий тилдаги кун вақти отларини “Девону луғатит-турк” (Б.Аталай, 2006 нашри, Эрчиласун, 2014 нашри) мисолида бугунги кун ўзбек тилида сақланиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

Жумладан, эски туркий тилда ахшам сўзи ҳозирги ўзбек тили (ҲЎТ)даги “оқшом” сўзининг фонетик ибтидоий формасидир. 107-4. (Аталай IV 2006: 14) / **ахшам:** оқшом вақти. 66-52 (Эрчиласун Оққўюнли 2014:565).

Қорахонийлар даврида “сал”, “аввал” маъноларида бая вариант истифода этилган: 37-14 (Аталай IV 2006: 76) / **бая:** бу соатдан олдин. 31-17. (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 579). “Девон”даги **бу кўн** бу кун – “бугун” маъносида қўлланилган. 171-147 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 600). “Ҳозир”, “энди”, “янги” маъноларида **эмди ишлатилган:** энди. қ: имди. I, 36-12, 37-15, 41-17, 46-20, 74-19, 125-15, 192-6, 200-17, 367-25, 380-17, 442-8, 498-21; II, 110-5, 209-23, 264-2; III, 356-4, 372-4 (Аталай IV 2006: 178) / **эмди:** энди. 30-16, 492-607-498 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 637). **имди:** Оғузчада энди. 75-62 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 665) / **эмди:** энди. I, 36-12, 37-15, 41-17, 46-20, 74 19, 125-15, 192-6, 200-17, 367-25, 380-17, 442-8, 498-21; II, 110-5, 209-23, 264-2; III, 356-4, 372-4 (Аталай IV 2006: 178).

Шунингдек, кун қисмлари билан боғлиқ **эрте-эрта:** эрталаб. 124-10 (Аталай IV 2006: 192) / **эрте ирте:** эрта тонг. 74-62 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 643); **эртеле-: эрта бошламоқ.** 316-11 (Аталай IV 2006: 193) / **эртеле-:** бирор нарсани эрта бошлаш. (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 643); **икинди:** тушдан кейин. 140-20 (Аталай IV 2006: 229) / **икинди:** пешин намози вақти. 82-72 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 663); **инир:** намозшом. 59-45 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 666) / **инғир:** кун ва туннинг тўқнашиши, намозшом. қ: имир (Оғузча). 94-12 (Аталай IV 2006: 233); **кўн:** кун, кундузи. I, 69-26; II, 5-8, 311-12; III, 52-15, 435-20, 437-5; (Аталай IV 2006: 398)/**кўн:** кун. 47-33, 48-34, 49-34, 609-

¹ Философский словарь. М.,1991. –С.75



501, 518-417 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 756); **кўндўз**: кундуз; кундузи; кундузги. I, 458-10, II, 87-25, III, 288-14 (Аталай IV 2006: 398) / **кўндўз**: кундуз; кундузи. 230-200 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 756); **кўнлўк**: кунлик, кундалик, кун ҳисобида бажариладиган иш. 480-16(Аталай IV 2006: 398) / **кўнлўк**: кунлик. 241-210 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 756); **кўн орту**: Чиғил лаҳжасида пешин. 74-62 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 756); **оғле**: пешин вақти (Оғузса). 113-26 (Аталай IV 2006: 470) / **оғле**: Оғузчада пешин вақти. 69-55 – (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 794); **оэле**: пешин вақти (Кипчоқча). қ. *ўгла* (Оғузса). 114-1 (Аталай IV 2006: 472). / **оэле**: Кмпчоқларда пешин вақти. 69-55 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 795); **тимин**: (**темин**) ҳозир(да). 409-13, 409-14 (Аталай IV 2006: 597) / **тимин**: ҳозир(да), сал аввал. 206-746 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 882); **тўрк қуяш оди**: кун ўртаси; чоштгоҳ. 353-9 (Аталай IV 2006: 674) / **тўрк қуяш оди**: кун ўртаси; чоштгоҳ. 178-151 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 911); **тўш оди**: туш вақти. I, 330-18; II, 125-14 (Аталай IV 2006: 676) / **тўш оди**: туш вақти. 166-143 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 912); **тўшлўк оди**: (**тўшлўк оди**) йўловчилар дам олиши учун тушдан кейинги иморат вақтлари. 477-6 (Аталай IV 2006: 676) / **тўшлўк оди**: ҳордиқ вақти. 240-208 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 912); / **тўш оди**: тушлик вақти. 497-399 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 913) каби вақт семали бирликлар ишлатилган. Шу ўринда кўриш мумкинки, вақт ва уни ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги тасаввур одамларда қадим замонларда хўжалик

ҳаёти зарурияти асосида вужудга келган.

Тонгни англатиш учун айнан ҳозирги лексемаларимизнинг ибтидоий фонетик вариантлари қўлланилган: **тан**: (**танғ**) тонг; тонг вақти. I, 170-7; III, 355-25, 356 1 (Аталай IV 2006: 570) / **тан**: тонг отганда, эрталаб. 65-88, 600-492 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 852); **тан ат-**: (**танғ ат**) тонг отганда ерни ағдармоқ. (Аталай IV 2006: 570) / **тан ат-**: тонг отиши. 600-491, 600-492 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 852).

Кеч пайтини англатишда **кече-киче**: кеч, кечки пайт. 219-11, 219-14 (Аталай IV 2006:290) / **кече-киче**: кеча. 54-39, 541-442 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 697).; **кечмиш**: **кеч-**: гечмек, ўтмиш. 5-12 –миш: 245-14 (Аталай IV 2006: 289) / **кечмиш**: кечмиш, ўтмиш; ўткан кунлар. 128-133 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 698); **кўшлўк**: эрталаб ўртаси. (Оғузча). 474-21 (Аталай IV 2006: 388) / **кўшлўк**: Оғузчада эрталаб вақти. 238-207 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 751).

Кечқурун, тунги вақтни қисмларга ажратишда **тўн**: кеча. I, 82-14, 100-9, 245-15, 331-2, 339-6, 423- 25; II, 77-1, 97-8, 232-20, 303-10; III, 258-14, 377-13 (Аталай IV 2006: 670) / **тўн**: кеча. 54-34, 609 501, 570-470 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 909); **тўнле**: кечаси. I, 251-8, 339-6, 434-6; II, 5-28; III, 87-25 (Аталай IV 2006: 670) / **тўнле**: кечаси. 131-115, 481-384 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 909); **ятгашык угры**: (**ятгашук оғры**) ётиш вақти.55-18 (Аталай IV 2006: 759) / **ятгашык угры**: ётиш вақти. 468-372 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 956) каби пайт отларидан фойдаланилган.

Эртанги кун ярин: эрта, эртага (Аталай IV 2006: 750) / **ярин**: эрта(га).



391 306 (Эрчиласун Оққўюнли 2014: 954) лексемалари орқали ифодаланган.

Вақт ҳисоби бирликлари қилиб доимий такрорланиб турган табиат ҳодисалари олинган. Булар: кун ва тундан иборат бўлган суткалар, осмонда ойнанинг пайдо бўлиши, фазаларининг алмашинуви, кўринмай қолиши, яъни ой ва ернинг қуёш атрофида йиллик айланиши эди. Аста-секин вақтни аниқлаш эҳтиёжи ошган. Бунинг учун эса осмон жисмлари ҳаракатини кўпроқ кузатиш зарур эди ва бу эса ўз навбатида астрономия фанининг ривожланишини талаб этади. Шунинг билан бирга бошқа масала пайдо бўлади: яъни суткалар, ойлар, йиллар ўртасидаги муносабатни аниқлаш керак эди. Бу масалани ечиш учун мураккаб математик ҳисоб-китобларни олиб боришга тўғри келди. Натижада қадим замонлардан амалий хронология соҳасида астрономия ва математик маълумотларнинг қўлланила бошланиши аста секин бу билимлар системасини илмий фанга айлантира боради.²

Демак, туркий қавмларнинг илк ўрта асрлардаги замон – вақт борасидаги тафаккури, қарашлари ва қарашлар аксини торган лексика ушбу ота тилининг вориси бўлмиш бугунги кун ўзбек тилига деярли ўзгаришсиз етиб келган. Бу хулосани ушбу лексемаларнинг диахрон тадқиқидаги функционал-семантик барқарорлик исботлаб берди.

² Ахтамова Х. Пайт муносабатини ифодаловчи кўмакчи формалар//Ўзбек тили ва адабиёти.- 1988.- №1- Б. 47- 51.;



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. CAFEROĞLU, Ahmet (2000). *Türk Dili Tarihi I-II*, İstanbul: Enderun Kitabevi.
2. ERCİLASUN, Ahmet Bican (2004). *Başlangıçtan Yirminci Yüzyıla Türk Dili Tarihi*, Ankara: Akçağ Yayınları.
3. ERCİLASUN, Ahmet Bican (2007). *Makaleler*, Ankara: Akçağ Yayınları.
4. KÂŞGARLI, Mahmud (2006). *Dîvânü Lugati't-Türk*, Cilt I, (Çev. Besim Atalay), Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları.
5. KÂŞGARLI, Mahmud (2006). *Dîvânü Lugati't-Türk*, Cilt II, (Çev. Besim Atalay), Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları.
6. KÂŞGARLI, Mahmud (2006). *Dîvânü Lugati't-Türk*, Cilt III, (Çev. Besim Atalay), Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları.
7. KÂŞGARLI, Mahmud (2006). *Dîvânü Lugati't-Türk*, Cilt IV, (Çev. Besim Atalay), Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları.
8. KÂŞGARLI, Mahmud (2006). *Divanü Lûgat-it-Türk Cilt IV*, (Haz. Besim Atalay), Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları.
9. KÂŞGARLI, Mahmud (2014). *Divanü Lûgat-it-Türk Cilt IV*, (Haz., Ahmet Bican Ercilasun-Ziyat Akkoyunlu), Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları.
10. Ахтимова Х. Пайт муносабатини ифодаловчи кўмакчи формалар// Ўзбек тили ва адабиёти.- 1988.- №1- Б. 47- 51.;
11. М.Кошгарий "Диван луготит турк" Ташкент: ССР,ФАА.\ Ташкент: Г. Гулом. 1960\2017
12. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати –Тошкент: 2000
13. Ҳақимова М.Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари.НДА. Фарғона,2004.